



ozodlik.org (RFE/RL)

Фото:ozodlik.org (RFE/RL)

ОЗОДЛИК СУРИШТИРУВЛАРИ

Humans ортидаги одамлар

3 соат аввал

Меҳрибон/Озодлик

| HUMANS

Ўзбекистонда бу номни кўпчилик эшитган.

Кейинги бир ярим йилда бу ширкат шов-шув марказида қолди.

Карталардан пул йўқолиши, судлар, бир-бирини айблаётган компаниялар — гўё бу ҳақда айтилмаган гап қолмагандек.

Лекин гап бор.

Суриштирувимиз давомида биз ўнлаб ҳужжатларни қўлга киритдик. Humans ширкати тушунтиришлари ва ҳужжатларини ўрганиб чиқдик. Кўплаб манбалар билан суҳбатлашдик.

Беш ой давом этган суриштирувда бу бизнес империясида иштирок этган асосий фигуралардан бири — Ўзбекистоннинг биринчи оиласига яқин бўлган шахс экани аниқ бўлди.

Озодлик Facebook



Озодлик Telegram



Озодлик Instagram



| Бир кечада изсиз йўқолган миллионлар

2025 йил декабрь оyi боши. Ўзбекистон бўйлаб Humans мижозлари эрталаб уйғониб, банк ҳисоблари бўшаб қолганини кўра бошлашди.

Ҳеч қандай огоҳлантириш йўқ.

СМС тасдиқ йўқ.

Изоҳ йўқ.

Тошкентдаги бир кекса аёл йиллар давомида жамғарган пулларидаан айрилганини кўрса, Фарғонадаги кичик бизнес эгаси ухлаб ётганида ҳисобидан 800 минг сўм йўқолганини билди. Хоразмда эса талаба контракт учун йиққан пулининг бир кечада ғойиб бўлганини аниқлади.

Уларни бирлаштирган нарса битта эди: Humans карталари ва Humans иловаси.


Жабрланувчилар, жумладан, қуйидагича шикоят қилишган:

“Мендан жами 23 миллион сўм ечган”.

“Жами 12 миллион 238 минг сўм менинг картамдан ечиб олишган”.

“600 минг-700 минг сўм, ҳар хил”.

“6 декабрда бўлган бўлса, бу муаммо, 7, 8- кунни оммавий одамлар йиғилишни бошлади”.



Жабрланувчилар карталаридан пул ечилгани ҳақидаги хабарлар.



Бир ҳафта ичида 20 мингдан ортиқ одам зарар кўрди. Деярли 600 минг АҚШ доллари — бирорта ҳам тасдиқ кодисиз ечиб олинган. Аммо пулини йўқотаётган минглаб одамлар бир нарсадан беҳабар эди. Уларнинг пуллари сақланган компания бундан икки ой олдин суд қарори билан банкрот деб топилган эди.

2025 йил 14 октябрда Тошкент туманлараро иқтисодий суди Octobank аризаси асосида Humans'ни банкрот деб топган.

Бу қарор жамоатчиликка фақат 9 декабр куни маълум бўлди — яъни Humans мижозларининг пуллари йўқолгачгина ошкор қилинди.

Шу воқеалар фонидида Озодлик қўлга киритган, Сингапурда имзоланган корпоратив ҳужжатлар компания бенефициарлари ҳақида оммага маълум бўлмаган яна бир исмни очиб беради. Бу исмни ошкор қилишдан аввал Humans қандай компания эканини тушуниш керак.

| Сингапурдан келган сирли компания

Humans Ўзбекистон бозорига 2019 йилда деярли номаълум компания сифатида кирди. Ҳеч қандай бэкграундсиз, яп-янги тузилма қисқа вақт ичида телеком, тўловлар, маркетплейс ва логистика каби стратегик соҳаларда тез суръатда кенгайиб, улкан бизнес тармоққа айланди.

"Humans очилгандан бери ишлатаман. Humans 2022 ёки 2021 йил очилган. Очилганида кўп одам мақтаган эди. Рақам сотиб олса бўлади, минутларни ўзим танлайман, мегабайтни ўзим танлайман. Қулай томонлари жуда кўп эди. Реклама жуда агрессив бўлган. Humans метро, телевизор, автобус, кўчаларда- ҳамма жойда эди", дейди Телеграм каналларидан бирининг аминистратори. **(Озодликка очик интервью берган бу йигит Humans ҳақидаги суриштирув эфирга узатилгач, ўзига бўлган босимлар сабаб исм-фамилиясини ўчириб ташлашни илтимос қилган. таҳр.)**

Humans давлат тендерларига тенг бўлган бир қатор имтиёзларни қўлга киритди: Ўзбектелеком инфратузилмасига кириш, давлат хизматлари тўловларига уланиш ва Урау каби стратегик активларни сотиб олиш.


"Бу ҳуқуқлар одатда ҳар қандай компанияга берилмайди", дейди Лондондаги Central Asia Due Diligence таҳлил маркази раҳбари Алишер Илҳомов:



Лондондаги Central Asia Due Diligence таҳлил маркази раҳбари Алишер Илҳомов.

"Гарчи асосий компания фақат 2019 йилда рўйхатдан ўтган бўлса ҳам, бу соҳада ҳеч қандай тажриба, асос, профессионалик белгилари ёки обрў-эътиборга эга бўлмаган. Бирдан уларни жуда масъулиятли молиявий соҳага, яъни тўлов тизимига киритишади. Бу эса бу иш энг юқори даражадаги қандайдир ҳомийлик орқали амалга оширилганини кўрсатади. Савол шундаки, бунинг ортида ким турибди?"

Humans'нинг пойдевори Сингапурда қўйилган. 2016 йилда у ерда HUMANS HOLDING PTE LTD номли холдинг рўйхатдан ўтган — кейинчалик бутун бизнес тармоқ айнан шу компания атрофида қурилади.



Расмий ҳужжатлардан аниқланган маълумотлар


Озодлик Сингапурнинг Корпоратив ва бухгалтерия назорати бўйича давлат агентлиги — **ACRA** ҳужжатларини қўлга киритди.

Ушбу расмий ҳужжатларга кўра, HUMANS HOLDING PTE LTD таъсисчилари 40 дан ортиқ бўлиб, уларнинг аксарияти россияликлар, тўрт нафари эса ўзбекистонлик.

Улар орасида энг йирик улуш эгаси — **Шерзод Умаров** - 44 минг акцияга эга. Бу исмни эслаб қолинг. Унга ҳали қайтамиз.

2019 йилда холдинг таркибида яна бир компания — HUMANS MOBILE LTD тузилади.

Иккала компания ҳам Сингапурдаги бир хил манзилда рўйхатдан ўтган.



Humans Mobile Ltd таъсисчилар сони 100 дан ошган ва улар орасидаги ўзбекистонликлар сони ҳам кескин кўпайган — жами 60 нафар.

Бу компанияда Шерзод Умаров 17 000 акция эгаси сифатида қайд этилган. Сингапурдаги Humans Mobile Ltd компанияси тузилганидан бир ой ҳам ўтмай, 2019 йил 6 августида Тошкентда “HUMANS” МЧЖ ташкил этилган.

Дастлаб компания таъсисчиси Сингапурдаги HUMANS MOBILE LTD компанияси бўлган.

Орадан икки йил ўтгач, Тошкентда “HUMANS COMPANIES” АЖ ташкил этилган ва “HUMANS” МЧЖнинг улушлари шу янги компанияга ўтказилган.

Аслида Сингапурдаги ўша ширкат “Humans Companies” АЖнинг ҳам 100 фоизли эгаси сифатида қайд этилган.

Кейинги йилларда тармоқ яна кенгаяди: “Humans Lab”, “Prime Fresh”, “Humans Trading”, “Humans Dealer” ва 2022 йилда сотиб олинган “Maroqand” АЖ.



“Ақллилар учун” - “супер-илова”

Humans иловаси 2020 йил июн ойида Ўзбекистонда ишга туширилганида, у ўзини “супер-илова” сифатида тақдим этди.



“Бу супер-илова смартфонингиздаги бошқа иловалар ишлашини ҳам назорат қилиш имконини беради. Бу илова ҳар қандай яширин тўловлардан ҳоли бўлиб, ҳалол ва шаффоф ишлайди”, деган эди ўша пайтда Humans Group асосчиси Владимир Добринин “супер-илова”ни реклама қиларкан.

Ҳаммаси битта жойда: SIM-карта, VISA карта, тўлов тизими, бонус ва кэшбэклар — ҳаммаси телефонингизда. Улар буни “Ақиллилар учун” деб аташди.

Бу таклиф ишлади. Миллионлаб ўзбекистонликлар рўйхатдан ўтди.

Миллионлар ишлаган компания

Компания даромади миқёсини тасаввур қилиш учун рақамлар келтирсам: Humans ҳисоботига **кўра**, фақат Humans Pay тизимининг ўзи тахминан 60 миллион долларга баҳоланган ва 2024 йилнинг биринчи ярмида Humans Pay тушуми 5 миллион доллардан ошган.

Ҳужжатларга кўра, у Humans Group'даги энг йирик улуш эгаларидан бири сифатида қайд этилган: тахминан 46 фоиз акция унга тегишли. Добринин бир вақтнинг ўзида Humans Group таркибидаги камида тўртта компанияда раҳбар лавозимини эгаллаган. Булар:

Humans Mobile PTE. LTD.

"HUMANS" MCHJ

"HUMANS COMPANIES" AJ

«HUMANS TRADING» MCHJ



Озодликда Добринин директор сифатида имзо қўйган ҳужжатлар бор.

Қоғозда у — бошқарувчи. Аммо қоғоз — ҳар доим ҳам ҳақиқий манзарани кўрсатмайди.


Махфий “Investor D”

Озодлик суриштируви Humans Group ортида жамоатчиликка номаълум бўлган яна бир шахс борлигини кўрсатади. Корпоратив ҳужжатларда у “Investor D” деб қайд этилган.

Озодлик Humans Group'га оид ўнга яқин корпоратив ҳужжатни қўлга киритди. Бу ҳужжатлар компанияда қарорлар қандай қабул қилингани ва фойда қандай

тақсимлангани ҳақида расмий манбаларда очиқланмаган маълумотларни очиб беради.

Ҳужжатларнинг барчаси “ўта махфий” деб таснифланган ва оммага эълон қилинмаган.



Ушбу ҳужжатлар HUMANS MOBILE LTD компаниясининг фойда ва улушларига оид бўлиб, уларда асосан инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган. Ҳужжатларда компания номи HUMANS MOBILE PTE. LTD. деб келтирилган. Сингапурнинг ACRA давлат агентлиги ҳужжатларига қаралса, HUMANS MOBILE PTE. LTD. — HUMANS MOBILE LTD

компаниясининг эски номи.

ACRA расмий ҳужжатларига кўра, HUMANS MOBILE LTD компаниясида ўзбекистонлик 60 таъсисчи борлигини юқорида айтдик.

Махфий корпоратив ҳужжатлар эса шундан далолат берадики, Сингапурнинг

расмий ҳужжатларида кўрсатилган таъсисчилар — оддий акциядорлар, улардан ташқари ACRAда умуман тилга олинмаган яна бир ўзбекистонлик шахс Investor D — HUMANS MOBILE LTD компаниясида алоҳида келишилган шартлар асосида иштирок этган.

the Re- between a princi- ceivable buted to shall be Receiv- ly to In- ceiva- een the ciple. Agree-

лучению должна быть распределена только Инвестору D, и (ii) 30% от Суммы к получению должна быть распределена между Акционер- рами по принципу Pro Rata.

10.1.2. после любой даты, когда Пороговая сумма получения полностью распределена Ин- вестору D, любые Суммы к получению должны быть распределены в следующем порядке: (i) 60% Суммы к получению должны быть распре- делены только Инвестору D, и (ii) 40% от Суммы к получению должны быть распреде- лены между Акционерами по принципу Pro Rata.

10.2. С учетом положения статьи 10.1 Соглашения

Сингапурда имзоланган ушбу ҳужжатларга кўра, HUMANS MOBILE LTD компаниясининг олти инвестори бор ва улардан бири — “Investor D” — фойданинг 60 фоизига эгалик қилади.

Энг қизиғи шундаки, Investor D’нинг фойда улуши унинг расмий акцияларига мутаносиб эмас.

Ҳужжатларда унга 4,5 миллион акция тегишли экани, бу эса компания акцияларининг тахминан 15 фоизини ташкил этиши кўрсатилган.

Шунга қарамасдан, корпоратив келишувларда Investor D акциядор сифатида эмас, фойданинг асосий олувчиси сифатида белгиланган. Айрим ҳужжатларда унинг манфаатлари “алоҳида келишилган шартлар” сифатида қайд этилган.

ADDENDUM TO THE SHAREHOLDERS AGREEMENT

in respect of

HUMANS MOBILE PTE. LTD.
(the "COMPANY")

between

(1) HUMANS MOBILE PTE. LTD, a company incorporated under the laws of Republic of Singapore, under registration number 201923121M whose registered office is at 14 Robinson Road, #12-01/02 Far East Finance Building, Singapore, 048545 (the "Company").

(2) HUMANS HOLDINGS PTE. LTD, a company incorporated under the laws of Singapore, under registration number 201618643E whose registered office is at 14 Robinson Road, #12-01/02 Far East Finance Building, Singapore, 048545 (the "Investor A").

(3) DIATECH S.A., a company incorporated under the laws of Switzerland, whose registered office is at Rue du 31 Decembre, 36, 1207, Geneva, Switzerland (the "Investor B"), and

ДОПОЛНЕНИЕ К АКЦИОНЕРНОМУ СОГЛАШЕНИЮ

в отношении

ХЬЮМАНС МОБАЙЛ ПТЕ. ЛТД.
(the "COMPANY")

между

(1) ХЬЮМАНС МОБАЙЛ ПТЕ. ЛТД, компания зарегистрированная в соответствии с законодательством Республики Сингапур, регистрационный номер 201923121M, находящейся по адресу 14 Robinson Road, № 12-01 / 02 Far East Finance Building, Сингапур, 048545 («Компания»).

(2) ХЬЮМАНС ХОЛДИНГС ПТЕ. ЛТД, компания, зарегистрированная в соответствии с законодательством Сингапура регистрационный номер 201618643E, находящейся по адресу 14 Robinson Road, № 12-01 / 02 Far East Finance Building, Сингапур, 048545 («Инвестор А»).

(3) ДИАТЕК С.А., компания, зарегистрированная по законодательству Швейцарии, находящейся по адресу Rue du 31 Decembre, 36, 1207, Женева, Швейцария («Инвестор В»), и

“Investor D”нинг Humans Group тузилмасидаги роли аниқ тасвирланган.

“Инвестор Dга тўладиган умумий сумма 8 500 000 АҚШ долларига (“Олинадиган миқдор чегараси”) етмагунча: Олиш учун мўлжалланган сумманинг 70% фақат Инвестор Dга тақсимланади, ва қолган 30% сумма Акционерлар ўртасида Pro Rata тамойили бўйича тақсимланади”, дейилади ҳужжатда.

between
a princi-

Инвестору D и (ii) 30% от Суммы к получению должна быть распределена между Акционерами по принципу Pro Rata.

seivable
buted to
shall be
Receiv-
ly to In-
receiva-
een the
ciple.

10.1.2. после любой даты, когда Пороговая сумма получения полностью распределена Инвестору D, любые Суммы к получению должны быть распределены в следующем порядке: (i) 60% Суммы к получению должна быть распределена только Инвестору D и (ii) 40% от Суммы к получению должны быть распределены между Акционерами по принципу Pro Rata.

Agree-
ligation

10.2. С учетом положения статьи 10.1 Соглашения, Стороны пришли к соглашению о том

video grab

У фойда тақсимоотида устувор ҳуқуққа эга шахс сифатида белгиланган. У Humans Groupнинг шўба компаниялари орқали олинадиган фойданинг катта қисмини олиш ҳуқуқига эга экани қайд қилинган.

“Инвестор Dга тўланиши лозим бўлган минимал сумма тўлиқ тақсимлаб бўлингандан кейинги ҳар қандай санада, олиниши лозим бўлган ҳар қандай маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади: олиниши лозим бўлган маблағларнинг 60 фоизи фақат Инвестор Dга тақсимланади, қолган 40 фоизи эса акциядорлар ўртасида Pro Rata тамойилига мувофиқ (яъни акциялар улушига муносиб равишда) тақсимланади”, дейилади ҳужжатда.


Бу эса Investor D’ни оддий инвестор эмас, балки бизнеснинг асосий бенефициари сифатида кўрсатади.

HUMANS MOBILE LTD компаниясининг корпоратив ҳужжатларида тилга олинган инвесторлардан бири Озодлик қўлга киритган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлади.

Ҳужжатларда Investor D'нинг қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳам алоҳида ўрни борлиги кўрсатилади. Айрим ҳолатларда у билан келишилмасдан муҳим молиявий қарорлар қабул қилинмаслиги қайд этилган.

Энг қизиғи, дейлик, Humans банкрот бўлган тақдирда ҳам Investor D ҳеч нарса йўқотмайди. Бундай пайтда у 60 фоиз фойда ёки активларга эга бўлади.

"Шўъба жамият тугатилган, ёпилган ёки унинг фаолияти ихтиёрий ёки мажбурий тарзда тўхтатилган тақдирда, томонлар Инвестор Д шўъба жамиятнинг акциядорлар ўртасида тақсимлаш учун мавжуд активларидан — пул маблағлари, ўз капитали, ҳар қандай турдаги инвестициялар, кўчмас мулк, пул шаклидаги суммалар ёки ҳар қандай активлардан — 60 фоизига тенг миқдорни олиш ҳуқуқига эга эканига келишиб олган. Қолган акциядорлар эса шўъба жамиятнинг тақсимлаш учун мавжуд активларининг 40 фоизини пропорционал (Pro Rata) тамойилига мувофиқ олиш ҳуқуқига эга", дейилади ҳужжатда.



- А по требованию таких Инвесторов должен заключить договор подписки на следующие Акции для передачи их Инвестору D, Инвестору E и Инвестору F.
- 15% в уставном капитале Компании, а именно: 1 500 000 Акции класса A, 1 500 000 Акции класса B, 1 500 000 Акции класса C для Инвестора D;
- 7,5% в уставном капитале Компании, а именно: 750 000 Акции класса A, 750 000 Акции класса B, 750 000 Акции класса C для Инвестора E.

Яна бир муҳим банд: ҳужжатларга кўра, дефолт ёки мажбурият бажарилмаслиги ҳолатида Investor D қўшимча акциялар олиш ҳуқуқига эга бўлган. Investor D учун бу компания капиталидаги қўшимча 15 фоиз улушни англатган.

Investor D - Ойбек Умаров

Хўш, Investor Dни ким деб ўйлайсиз? Бу шахсни сиз яхши танийсиз. У Озодлик суриштирувларида аввал ҳам кўп бор тилга олинган.


Ҳужжатни ўрганиш натижасида Investor D сифатида қайд этилган шахс — Ойбек Умаров экани аниқланди.

Ойбек Умаров ким?

Мисол, президент Мирзиёев кенжа куёви Отабек Умаровнинг Ойбек исмли укаси бор. Айни пайтда Ойбек Умаров исмли бошқа шахслар ҳам кўп, дерсиз.

Биз топган ҳужжатга кўра, Ойбек Умаров 1986 йил 3 мартда туғилган бўлиб, Тошкент шаҳрида яшаши қайд этилган.

Ҳужжатдаги туғилган сана ва манзил Озодлик ихтиёридаги Отабек Умаровнинг укаси - Ойбек Муҳаммадалиевич Умаров паспорти нусхасидаги маълумотлар билан мос келади.



Хавфсизлик сабаблари ва манбани ҳимоя қилиш учун паспорт нусхаси қандай олингани ҳақида батафсил маълумот очиқланмайди. Бироқ суриштирувга кўшишдан олдин ҳужжат ҳақиқийлигини бир нечта мустақил манбалар орқали текшириб олдик.

Қўлимиздаги паспорт ва ҳужжатни солиштирганда улардаги имзо ҳам бир хил эканини кўриш мумкин.

Шунингдек, Озодлик мустақил равишда Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банкка яқин манбалар орқали ушбу шахс ҳақиқатдан ҳам президент Шавкат Мирзиёевнинг кичик куёви Отабек Умаровнинг укаси Ойбек Умаровнинг ўзи эканини тасдиқлади.

Шундай қилиб Investor D нинг Ойбек Муҳаммадалиевич Умаров экани борасида шубҳа қолмади.



Ойбек Умаров онаси Гўзал Умарова билан. Ойбек Умаровнинг ҳозирча очиқ манбалардаги ягона бу сурати Умарова туғилган кунига атаб тайёрланган видеороликдан олинди.

Юқорида Шерзод Умаров исмли шахс Humans'нинг Сингапурда рўйхатдан ўтган икки асосий компанияси таъсисчилари рўйхатида қайд этилганини айтдик.

Шерзоднинг Ойбекка қандай алоқаси бор?

Очиқ манбаларга кўра, у асли Қўқон шаҳридан бўлиб, ҳозирда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида доимий рўйхатда туради.

Манбалар иддаосича, у Ойбек ва президент куёви Отабек Умаровнинг жияни бўлади.

У Озодликнинг **“Мирзиёевлар Амирлиги?”** суриштируви қаҳрамонларидан бири.




Шерзод Умаров отаси, президентнинг кичик куёви Отабек Муҳаммадалиевичнинг амакиси Шухрат Умаров билан.

Ойбек Умаровга қайтсак, ўзини жамоатчиликка кўрсатмайдиган қўқонлик 40 яшар бу тадбиркор йигитни ижтимоий тармоқдан топиб бўлмайди.

На Facebook, на Instagram ва на Telegram да Ойбек Муҳаммадалиевич Умаров деган қўқонликдан асар ҳам йўқ. Бироқ унинг исми сизга Озодликнинг суриштирувларидан маълум. У ҳақда ўнга яқин суриштирувда гапирилган.

Жумладан, “[Мирзиёевнинг қудаваччаси қандай қилиб миллиард долларлик бизнес эгасига айланди?](#)” номли суриштирувда Ойбек Умаровнинг Ўзбекистонда ўнлаб бизнес лойиҳалари билан боғлиқ экани аниқланган эди.



Президент Мирзиёевнинг қайинжияни Ойбек Умаров исми "Пандора ҳужжатлари" (Pandora Papers) номи берилган глобал суриштирувда ҳам тилга олинган. Унда Ойбек Умаровнинг Ирландиядаги компаниялари ҳақида сўз борган.

Humans расмийларига саволлар

Озодлик беш ой давомида Humans расмийлари билан бир неча бор боғланди. Дастлаб мулоқот Телеграм орқали, кейин эса электрон почта ёзишмалари орқали давом этди. Суриштирув жараёнида пайдо бўлган саволлар компанияга расмий равишда юборилди.

Жумладан, 26 март куни Ойбек Умаровнинг HUMANS MOBILE LTD компанияси даромадининг 60 фоизига шериклиги масаласи юзасидан қўшимча изоҳ сўраб, Озодлик Humans компаниясининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиси Наташа Иконниковага электрон почта орқали куйидаги саволлар билан муурожаат қилди:

- *Investor D — Ойбек Умаровга компаниядаги тахминан 15 фоиз акциядорлик улушига нисбатан номутаносиб равишда 60 фоиз фойда ажратилиши қандай ҳуқуқий ва иқтисодий асосларга таянган?*
- *Investor D розилигисиз муҳим молиявий қарорлар қабул қилинмаслиги Ойбек Умаровнинг компанияда де-факто назорат ваколатларига эга эканини англатадими-йўқми?*

компаниянинг ички корпоратив келишувлари, акциядорлик таркиби ёки фойда тақсимотида оид шартлар қай даражада ўзгаргани масаласини очиқ қолдиради.

Ҳозирча бу борада расмий изоҳ ёки ҳуқуқий тасдиқ мавжуд эмас.

| "Офис"га алоқадорлик иддаоси

Озодликнинг аввалги суриштирувларида Humans компанияси билан боғлиқ яна бир муҳим омил тилга олинган. Бир нечта мустақил манбалар ва гувоҳлар Humans'нинг Тошкентдаги "Офис" деб аталадиган яширин тузилма ҳимоясида бўлгани ҳақида иддао қилган.

"2019 йил ташкил қилинган ушбу фирма симсиз алоқа кўрсатиш хизматлари билан шуғулланиб келган. Озодлик қўлга киритган ҳужжатга кўра, «HUMANS» МЧЖ 2022-2023 йиллар давомида "Ўзбектелеком" ширкатидан жами 532 млрд сўм қарз бўлгани ҳолда қарзларни тўлашдан қочиб келган", дейилади "Офиснинг қулаши" суриштирувида.

Озодлик суриштирувида "Офис" деб аталган норасмий тузилманинг Отабек Умаровга алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақидаги иддаолар ҳам илгари сурилган.

Умаровнинг Америкадаги адвокатлари орқали Озод Европа/Озодлик радиосига қатъиян билдиришича, унинг "Офис" деб номланган структурага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 25 ноябрь куни ўз куёви, ДХХ полковниги ва президент хавфсизлик хизмати раҳбари ўринбосари бўлган Умаровни ишдан олган.

Ўша пайтда Humans раҳбарияти Озодликка ‘Офис’ билан боғлиқ иддаоларни рад этган ва компаниянинг ҳар қандай норасмий тузилмалар билан алоқаси йўқлигини маълум қилган.

Бироқ Озодликка гапирган бир нечта мустақил манбалар Humans атрофидаги зиддиятлар айнан “Офис” тузилмаси фош бўла бошлаган даврда кескин кучайганини айтади.

2024 йилдан бошлаб Humans атрофидаги бир қатор низолар бир вақтда юзага кела бошлади ва компаниянинг молиявий аҳволига оид хабарлар тарқалди.

Бу жараёнлар охир-оқибат компаниянинг банкрот деб эълон қилиниши билан якунланди.

2025 йил 8 май куни Тошкент шаҳар иқтисодий суди «Ўзбектелеком»нинг Humansга нисбатан 500 миллиард сўмлик даъвосини қаноатлантирган. Бир ой ўтиб, Octobank ҳам 500 миллиард сўмдан ортиқ қарздорлик бўйича даъвони ютиб олган.



Юқорида “Офиснинг қулаши” суриштирувида “Ўзбектелеком” билан Humans ўртасидаги можарога бироз тўхталгандик. “Ўзбектелеком” 2022-2023 йиллар давомидаги қарзини орадан икки йил ўтиб суд орқали ундирган.

Octobank ва Humans ўртасидаги можаро эса бироз жиддийроқ. Суд материалларига кўра, Humans’га нисбатан банкротлик жараёни айнан Octobank даъвоси билан бошланган.

Айни пайтда Humans суд қарори бир томонлама тартибда қабул қилинганини даъво қилиб, Octobank’ка нисбатан қарши даъво қўзғатганини хабар қилган:

“Humans VISA карталари эгаларининг мурожаатлари банк томонидан умуман эътиборсиз қолдирилган ёки жиддий кечикишлар билан кўриб чиқилганлиги каби юзлаб қоидабузарликлар қайд этилган. Гап банкнинг асосий операцион жараёнларининг яроқсизлиги туфайли Humans VISAнинг якуний фойдаланувчилари азият чеккани ҳақида кетмоқда. Humans VISA мижозлари

манфаатларини кўзлаб, Humans бу масалаларни бир неча бор кўтарган, вазиятни тўғрилашга ҳаракат қилган, аммо банк эмитент вазиҒасини бажара олмаслигини доимий равишда тасдиқлаган.”

Humans Group Бутунжаҳон банки қошидаги Халқаро инвестиция низоларини ҳал этиш маркази — ICSIDга Ўзбекистонга қарши арбитраж даъвоси киритиб, Ўзбекистон айрим давлат органлари орқали компанияга босим ўтказгани ва унинг фаолиятига тўсиқлар қўйганини иддао қилган.

Humans Group Марказий банк ва “Ўзбектелеком”ни ўз ҳуқуқларини бузганликда айблаб, “Ўзбекистонда Humans бизнеси рейдерлик йўли билан тортиб олинаётгани” иддао қилинади:

“Уларнинг мақсади — Ўзбекистондаги Humans компаниялар гуруҳи устидан бошқарувни қўлга олиш, амалдаги бизнесдаги улушлар ва молиявий оқимларни қайта тақсимлаш, Humans компанияси томонидан яратилган технологиялар ва мижозлар базасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳамда якуний ҳисобда Сингапурда рўйхатдан ўтган компаниянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестицияларини йўққа чиқаришдан иборат”.

Бу ерда яна бир нозик савол туғилади. Агар корпоратив ҳужжатларда “Investor D” сифатида қайд этилган президентнинг куёви Отабек Умаровнинг укаси Ойбек Умаров компания фойдасининг 60 фоизига шерик бўлган асосий бенефициарлардан бири бўлса, у ҳолда Ўзбекистон устидан халқаро арбитражга муурожаат қилиш жараёнида унинг роли бўлганми ёки йўқми?

Humans раҳбарияти Investor D ҳақидаги саволларни муҳокама қилишдан четга чиққанидан кейин, бу масалага ойдинлик киритиш имкони бўлмади.

Шу боис, Ойбек Умаровнинг арбитраж жараёнидаги эҳтимолий роли ёки таъсири масаласи ҳозирча очиқ қолмоқда.

| Ойбек Умаровдан Озодликка расмий жавоб

Суриштирув эълон қилиниши арафасида Ойбек Умаровдан Озодликка расмий жавоб келди.

Озодлик берган саволларга жавобан Умаровнинг адвокати таҳририятимизга йўллаган хатда Ойбек Умаров HUMANS MOBILE LTD компания акцияларининг тахминан 15 фоизига эга бўлса-да, компания даромадининг 60 фоизига эга бўлиши қуйидагича изоҳланган.

“Таърифланаётган “60% / 15%” тузилмаси акциядор имтиёзи эмас, балки корпоратив ҳужжатлардан алоҳида расмийлаштирилган келишув асосида Мижозим киритган қўшимча мулкӣ ҳиссани қоплаш бўйича компаниянинг шартномавий мажбуриятидир”, дейди Ойбек Умаровнинг адвокати Шерзод Абдулқосимов.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ойбек Умаров номидан жавоб йўллаган адвокат Шерзод Абдулқосимов аввал Humans атрофидаги асосий фигурантлардан бошқа бири — ҳужжатларда “Инвестор Е” сифатида тилга олинган Максим Сдитановнинг ҳам адвокатиدير.

“Ҳозирги кунда умумий қарздорлик 12 миллион доллар. Максим 8 миллион доллар - 66 фоиз HUMANS Uzbekistanни бизнесини даъво қиляпти. 4 миллион ўша қарз берилган, қайтариш лозим бўлган 4 миллион суммани суд орқали ундиришни сўраяпти. Жавобгар сифатида МЧЖ HUMANS, АО HUMANS яъни аксиядорлик жамияти HUMANS ва учинчи, қўшимча жавобгар сифатида Владимир Добрининнинг ўзи шахс сифатида ўтяпти. Яъни Максим Сиданов даъвогар, МЧЖ HUMANS жавобгар, HUMANS аксиядорлик жамияти жавобгар ва Владимир Добринин жавобгар. Даъво мазмуни шундан иборатки, HUMANS Uzbekistan бизнесининг 66 фоизи Максим Сидановга расмийлаштириб бериш ва 4 миллион доллар ундириш”, дейди айна пайтда Сидановни ҳам ҳимоя қилаётган адвокат Шерзод Абдулқосимов.

Humans томонидан Озодликка юборилган расмий жавобда компания Сдитановни “ёлгон кўрсатма бериш” ва “фирибгарлик”да айблаган.


“Жаноб Сдитанов ёлгон кўрсатма бериш ва фирибгарлик билан шуғулланган, шу муносабат билан компаниямиз ушбу масалани Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборган”, дейилади Humans компаниясининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиси Наташа Иконникова хатида.

Абдулқосимовнинг маълум қилишича Ойбек Умаров Humans’нинг Ўзбекистон ҳудудидаги компаниялари билан умуман боғлиқ эмас

Яъни, 60 фоиз даромадга даъво қиладиган шахс, уларнинг таъкидлашича, Ўзбекистондаги Humans таркибида ҳеч қандай мақомга эга бўлмаган.

“Мижоз ҳозирда Ўзбекистонда “Humans” бренди остида фаолият юритувчи бирорта ҳам юридик шахсинг таъсисчиси, акциядори, бенефициар мулкдори, директори ёки бошқа мансабдор шахси эмас ва шу пайтгача ҳам бундай мақомларга эга бўлмаган.

Мижоз Humans лойиҳасида (на Сингапурда, на Ўзбекистонда) ҳеч қандай операцион ролга эга бўлмаган ва ҳозир ҳам эга эмас; лойиҳа тўлиқ ва якка тартибда жаноб Добринин ҳамда у жалб қилган, фақат унга ҳисобот берувчи менежмент жамоаси томонидан бошқарилган", дейди Ойбек Умаровнинг адвокати Шерзод Абдулқосимов.



The screenshot shows the 'Notifies' website interface. At the top left is the 'Ozodlik' logo. A profile picture of a man is shown next to the name 'Notified by: Uzbekistan'. Below this is the 'Identity particulars' section with the following details:

Family name	DOBRIKIN
Surname	VLADIMIR
Gender	Male
Date of birth	31/03/1974 (52 years old)
Place of birth	Austria
Nationality	Russia

Below this is the 'Details' section with 'Language(s) spoken' listed as 'Russian'. The 'Charges' section is titled 'Published as provided by requesting entity' and lists two charges: '1 Organising and conducting gambling and other risk-based games; 2 Money laundering'. At the bottom, there is a disclaimer: 'The Notifies data on this website is updated every hour. This extract of the Notifies has been approved for public dissemination. — If you have any information please contact Your national or local police INTERPOL, General Secretariat'.

Интерпол қидируви

Бу иш доирасида яна бир кескин бурилиш юз берди: Humans раҳбари Владимир Добринин Интерполнинг халқаро қидирувлар рўйхатига киритилди. Интерпол ҳужжатларига кўра, у 2025 йил 9 декабрь куни қидирувга берилган ва унга нисбатан Ўзбекистон Жиноят кодексининг икки моддаси — ноқонуний қимор фаолияти ва пул ювиш бўйича айбловлар қўйилгани қайд этилган.

Интерпол ҳужжатларида Добринин Мароқанд орқали 99,5 миллион сўм миқдордаги маблағларни Ўзбекистонда ноқонуний деб ҳисобланган 1xBET ва MelBET платформаларига ўтказиш билан боғлиқ ишлар доирасида шубҳа остига олингани ёзилган.

Очиқ қолган яна бир муҳим савол — Humans карталаридан пуллари ечилган минглаб фуқароларнинг пулини ким қайтариши кераклиги. Озодлик суҳбатлашган жабрланувчиларнинг айтишича, ҳозирга қадар уларга етказилган зарар қоплангани йўқ.

Humansning qarshi da'vosi taqdiri nomalum. Usha paitda muzlatilgan pullar taqdiri ham malum emas. Mijozlar haligicha pullarini qanday olishni bilishma'etgani dan shikoyat qilib keli shmoqda.

Ozodlik Vladimir Dobrinin bilan bog'lani shga harakat qildi. Humans rasmiylari bilan mu loqotlar davomida dastlab u bilan suxbat uoshtiri shga keli shilgan edi. Ammo keyinchalik kompaniya xalqaro arbitraj eshituvlari bo shlangani sabab intervyudan bo sh tortdi.

Natijada 20 mingdan ortiq odam xali ham javob kutmoqda. Kompensatsiya yuq. Javobgarlik aniq emas. Kompaniya bankrot. Asosiy rahbar qidiru vda.

Suri shiru v davomida Oybek Umarov advokati Ozodlikka yuborgan javobida uning Humans Mobile Pte. Ltd. kompaniyasida gi yuqori daromad ulushini "pul kurinishida bul magan mulkiy xissa" bilan izo xlagan edi.

Biroq bu xissa aynan nimadan iborat bul gani — qanday aktiv eki bo shqa resurs shaklida kirutil gani — ochiqlan magan.

Ozodlik u shbu xissa qaysi hujjatlar va keli shuvlar asosida ba xolan ganiga oydinlik kirishi ni su rab Umarov advokatiga qu shimcha savol yubordi. Xozircha javob ol ganimizcha yuq.

Demak, Ozodlik suri shiru vlari davom eta di.





Меҳрибон/Озодлик

емайл: bekievam@rferl.org

Facebook: [@Mehribon.Bekieva](#)

This item is part of

[Кун мавзулари](#)

[Озодлик суриштирувлари](#)

Озодлик радиоси © 2026 RFE/RL, Inc. | Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.